

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 10 июнь • № 23 (836)

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Жорий йилнинг 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Ўсма касалликлари профилактикаси – ижтимоий соҳанинг долзарб вазифаси: муаммо ва ечимлар" мавзuidaги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф. Ражабов кириш сўзи билан очиб, истиқлолнинг илк кунлариданоқ барча соҳаларда туб ўзгаришлар бўлиб, ижобий ишлар ўз ифодасини топаётганлигини, шу-

лишлари тўғрисида"ги (2007 йил 19 сентябрь 3923-сонли) Фармон ва Қарорлари асосида ривожланиб, тизимни ислоҳ қилиш билан бирга, соғлиқни сақлашнинг миллий модели яратилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси ошганлиги ҳамда саломатлик кўрсаткичлари ва турмуш шарт-



нингдек, эришилаётган ютуқлар жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимидаги олиб борилаётган фаолиятлар ҳам бундан мустасно бўлмай, бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Алимов хусусан, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги (1998 йил 10 ноябрь 2107-сонли), "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2003 йил 26 февраль), "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўна-

шароитларининг яхшиланганлиги хусусида тўхталди. Ва мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида соғлиқни сақлаш тизимига оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Одам иммунитетининг вирусига оид касаллик профилактикаси тўғрисида"ги, "Фуқароларга психиатрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида"ги, "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Қон ва унинг компонентлари донорлиги тўғрисида"ги, "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги, "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинганлиги ҳамда ушбу қонунлар ўз самарасини бериб келаётганлигига атрофлича ургу берди.

(Давоми 2-бетда).

БУГУНҚОНТОПШИРИШГА ҚАРОР ҚИЛИНГ ВА БИЗНИНГ САФИМИЗГА ҚЎШИЛИНГ!



МАҚСАДИМИЗ: БАДАЛСИЗ ДОНОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

Маълумки, ҳар йили 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни сифатида нишонланади. Ушбу тадбирнинг бош мақсади қон қуйиш учун хавфсиз қоннинг муҳимлиги ва қон донорларининг зарурлигини чуқурроқ англаб етишни шакллантиришдир. Бу кун, авваламбор, донорлик қонлари ва қон компонентларига дунё бўйлаб ошиб бораётган талабга фаоллик билан жавоб бераётган кўнгиллиларнинг инсоният олдидаги хизматларини рағбатлантириб, уларга миннатдорчилик билдиришга имконият беради. Ушбу интилишлар ва умумжамят манфаати 2005 йил Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг резолюцияси қабул қилинишига асос бўлди. Натижада Бутунжаҳон донорлар куни ҳар йил нишонланадиган тадбир сифатида ташкил этилди. Шунингдек, резолюцияда Бутунжаҳон донорлар кунини қўллаб-қувватлаш ва бир-

галикда ҳаракатлантириш, ҳамжиҳатликда иш олиб боришни амалга ошириш мақсадида, глобал қон хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилот ва муассасаларни ҳам жалб қилиш мақсад қилинган. 2005 йилги соғлиқни сақлаш Бутунжаҳон ассамблеяси давомида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га аъзо давлатларнинг соғлиқни сақлаш вазирлари томонидан мазкур сана ҳар йили ўтказиладиган тадбир сифатида белгилаб олинди. Бугунги мавзумиз ҳам айнан берадиз донорликни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган фаолиятларга қаратилади. Шу маънода Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори Ҳамид Якубович Каримов билан суҳбатда бўлдик.

(Давоми 4-бетда).

МИННАТДОРЛИК ТҮЙҒУСИ

Қизим Маъмуранинг қон босими пасайиб кетганлиги сабабли, Китоб туман марказий шифохонасига мурожаат қилдик.

У ердаги шифокорлар дарҳол биринчи ёрдам кўрсатиб, даво муолажаларини бошлаб юбордилар. Бундан ташқари, шифокорларнинг хушмуомала-

лиги, камтар ва меҳрибонлиги туфайли фарзандимнинг аҳволи ижобий томонга яхшиланди. Ҳозир қизим тиббиёт ходимларининг доимий назоратида. Ви-

лоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Китоб туман марказий шифохона бош шифокори Абдуғани Усмоновга, шифокор Абдумурод Маннонов ва бошқа ходимларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

К. ОЛИМОВ,
Қашқадарё вилояти,
Китоб тумани.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давра суҳбатида Республика онкология илмий маркази директори С. Наврўзов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош онкологлари М. Ғофурхонов онкология соҳасидаги ишлар ўз самарасини бераётганлиги, шунингдек, мазкур йўналишдаги фаолиятлар замон талаблари даражасида амалга оширилаётганлигини ўз фикрларида баён этиб, бунинг баробарида айрим камчилик ва муаммолар мавжудлигини, бундан ташқари, ўсма касалликларини эрта аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволашда ўз ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири бўлиб, ушбу хасталиклар нафақат республикамизда, балки бутун дунё миқёсида мураккаб муаммога айланганлиги ва статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида онкологик касалликлар билан касалланиш кўрсаткичлари ошиб бораётганлиги ҳамда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2005 йилдаги маълумотларига кўра, дунё бўйича 1 йилда 11,0 миллион киши касалланиб, 7,6 миллион киши мазкур хасталик туйғайли вафот этаётганлиги ва соҳа мутахассисларини ташвишга солаётганлигини айтиб ўтишди.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси, депутат Н. Айтжанова ўз маърузасида бугун ер юзасидаги экологик вазият, фан ва амалиётнинг таъриқлиги, соғлиқни сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг ривожланиши натижасида онкология соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши, бу соҳада биринчи навбатда, бирламчи бўғинларда профилактика ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифат даражасини ошириш билан боғлиқ бир қатор ўз ечимини кутаётган масалалар мавжудлигини, юқори технологик даво-

лаш ва операцияларни ўтказиш бўйича талаб-эҳтиёж ортиб бораётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари З. Ботирова соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар босқичма-босқич давом этаётган даврда ўсма касалликлари билан касалланишни камайтириш мақсадида давлат миқёсидаги кенг қамровли дастурларнинг амалга оширилиши, кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратиш, ай-



ниқса, узоқ қишлоқ жойларида ишлаётган умумий амалиёт врачларининг онкологик сезгирилигини ошириш ва тиббий кўрик сифатини яхшилаш зарурати муҳим эканлигини таъкидлади.

Тадбирда Жиззах, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан ҳамда республика тиббиёт муассасаларидан иштирок этган мутахассислар ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар ва ечимини кутаётган ай-

рим муаммолар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтдилар.

Депутатлар ва соҳа мутахассислари оқоридаги фикрлардан хулоса қилган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, ўсма касалликларининг олдини олиш, муаммоларни оқилона ҳал этиш масаласига асосий эътибор қаратилиши бўйича ҳуқуқий базани шакллантириш лозимлиги ҳақида таклифлар билдиришди.

Тадбир якунида депутатлар ва иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар муҳокама қилиниб, кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА. Муаллиф олган суратлар.



Депутат минбари

ИНСОНСАЛОМАТЛИГИ: ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШОМИЛИ

Таъкидлаш муҳимки, кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида самарали ишлар амалга оширилиб, соҳанинг ҳар бир йўналишида жаҳон стандартлари асосида фаолият олиб борилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Айниқса, тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида бунёд этилаётганлиги, янги технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини янада ошириб келаяпти десам, янглишмаган бўлам.



Бунинг исботи сифатида айтишимиз мумкин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" эканлиги, шунингдек, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида Фуқаролар соғлигини сақлашнинг асосий принциплари сифатида соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши; аҳоли-

нинг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши; профилактика чора-тадбирларининг устунлиги; соғлиқини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши ҳамда тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги белгилаб қўйилган.

Эътирофлиси шундаки, Юртбошимиз ва давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган Фармон ва Қарорлар замирида инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари ётар экан,

бу борадаги фаолиятлар самарасини соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида яққол кўришимиз мумкин. Шу ўринда тилга олиш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонига асосан тизим фаолияти янада ривожланиб, унинг натижасида республикада соғлиқни сақлашнинг миллий модели яратилди ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасининг ошишига, шунингдек, саломатлик кўрсаткичларининг яхшиланишига эришиб келинмоқда.

Барчамизга маълумки, инсонлар соғлиги ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун устуворлиги асосий ўринга эга бўлиб, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида меъёрий-ҳуқуқий негизларни такомиллаштириш мақсадида "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги, "Алкоголизм, наркомания ёки токсикоманияга чалинган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, 7 та янги, яъни "Одам иммунитетининг вирусига орқали юзага келувчи касаллик профилактикаси тўғрисида"ги, "Гиёҳванд воситалар ва пси-

хотроп моддалар тўғрисида"ги, "Фуқароларга психиатрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида"ги, "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Қон ва унинг компонентлари донорлиги тўғрисида"ги, "Йод етишмаслиги касалликларини профилактикаси тўғрисида"ги, "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилинганлиги ҳам соҳадаги ҳуқуқий асослар шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика тиббиёт тизимида қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар борлигини, яъни ер юзасидаги экологик вазият, фан ва амалиётнинг ривожланиши, инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, айни кунда айрим касалликларни, биринчи навбатда бирламчи бўғинларда профилактика ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш билан боғлиқ бир қатор ўз ечимини кутаётган айрим муаммоларни инкор этиб бўлмайди. Масалан, нейрохирургия, кардиохирургия, онкология, гинекология ва акушерлик ҳамда бошқа соҳаларда мураккаб операцияларни ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада ривожлантириш ниҳоятда зарур, чунки уларга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда.

Шу жумладан, ижтимоий касалликлардан ҳисобланган онкология хасталиги нафақат республикамизда, балки дунё миқёсида асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Унда ўсма касалликларини ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва даволаш каби ўз ечимини кутаётган масалаларнинг мавжудлиги барча мутахассисларни ташвишга солаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шу боис, қўмитамиз томонидан мазкур касаллик бўйича ўрганишлар олиб борлиб, таҳлилий натижаларга таянган ҳолда "Ўсма касалликлар профилактикаси – ижтимоий соҳанинг долзарб вазифаси: муаммо ва ечимлари" мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Агарда, статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида онкологик касалликлар билан хасталаниш кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2005 йилги маълумотида кўра дунёда ушбу касаллик бўйича 1 йилда 11,0 миллион киши касалланиб, шундан 7,6 миллиони вафот этган бўлса, статистика маълумотлари шуни кўрсатади, 2030 йилга бутун дунёда ўсма касалликлар билан 15 миллион киши касалланиши ва шундан 11 миллиони вафот этиши мумкин.

Айтиш жоизки, хавфли ўсма касалликлар билан касалланиш

(Давоми 3-бетда).

Депутат минбари

ИНСОНСАЛОМАТЛИГИ: ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШОМИЛИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

кўрсаткичларида нисбий барқарорлик кузатилишига қарамасдан, ўпка, сут бези, қон ва лимфоид тўқималар хавфли ўсмалари ва бачадон бўйни раки билан касалланиш кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан онкология хизмати ва бирламчи тиббиёт бўғинида ўсма касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ҳамда ўз вақтида даволаш, хавфли ўсмага ўтишини бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Лекин бугунги кунда вилоятлар ва узоқ қишлоқ жойларида бирламчи бўғинида ишлаётган умумий амалиёт врачларининг онкологик сезгирлигини ошириш ва тиббий кўрик сифатини яхшилаш зарурати юзага келмоқда, чунки хавфли ўсма касалликларининг профилактик кўрикларида аниқланиши республикада 22,5 фоизни ташкил этади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, фуқаролар соғлигини сақлаш сиёсатини амалга оширишда замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали тиббий кадрларни, шу жумладан, илмий даражага эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш бўйича ўтган йили ҳамда жорий йилнинг 27 май куни кўмита томонидан "Тиббиёт қонунчилигида фаннинг амалиёт билан бирлиги масалаларига" бағишланган конференция бўлиб ўтди. Тадбир олди таҳлилий натижалар олиб борилганда тиббиётнинг айрим йўналишларида илмий даражали мутахассис олимлар кўпайганлигини кўрган бўлсак, онкология, нур диагностикаси, нур терапияси, вирусология йўналишларида эса илмий даражали малакали мутахассисларга эҳтиёж борлигининг гувоҳи бўлдик.

Мамлакатимизда аҳолига малакали онкология хизмат кўрсатиш, ўсма касалликларини эрта аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ва диспансер назоратига олиш ягона тизим Республика онкология илмий маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят онкология диспансерлари (17 муассаса ва 271 туман онколог хоналари) орқали амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жорий йилнинг 12-13 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Жиззах вилоятлари онкология диспансерлари фаолияти билан танишиб чиқилганда, мазкур онко-

диспансерларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, замонавий бинолар, эндоскопик, ультратовуш текшируви асбоб-анжомлари билан таъминлаш зарурати борлиги аниқланди. Соҳадаги асосий ечимини кутаётган масалалардан яна бири, вилоят онкология диспансерлари радиотерапевтик жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги ёки мавжуд радиотерапевтик жиҳозлар манбаларининг фаоллиги паст даражада бўлганлиги боис, даволаш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги табиийдир. Бугунги кунда, Жиззах, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари онкология диспансерларида муҳим восита ҳисобланган диагностика ва нур билан даволаш хизматлари талаб даражасида эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 153-сонли қарори билан онкологик хасталиклар ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхатига киритилган бўлиб, ушбу беморлар давлат томонидан бепул дори-дармон билан таъминланиши кўзда тутилган. Яна шунинг айтишим муҳимки, ушбу йўналишдаги тиббиёт муассасаларига янги технологиялар кириб келган бўлсада, айримларида анестезиология-реанимация бўлимларида наркоз ва нафас олиш аппаратлари, операция ва хирургия бўлим-



ларида хирургик жиҳозларнинг эскирганлиги ҳамда дезинфекция воситалари учун ажратилган маблағлар танқислиги сезилмоқда.

Кўмитамиз томонидан ўтказилган таҳлилий натижалар асосида бўлиб ўтган ушбу давра суҳбатига долзарб мавзу кўтарилганлиги бежиз эмас. Мазкур тадбир олди кўриб чиқилган масалалар юзасидан кўмитамизнинг ишчи гуруҳ ва экспертлари тузилиб, давра суҳбатига муҳокама этилган фикр ҳамда мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда жойларда бўлиб, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилишда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бо-

радилар. Албатта, ана шундай долзарб масалаларни ҳал этиш нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчилик билан биргаликда фаолият юритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки барчамизнинг эзгу ниятимиз халқимиз саломатлигини сақлаш экан, бунда ҳаммамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Нурия АЙТЖАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,
Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси.
Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.

Ҳамшира – 2011

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ САРИ ЙЎЛ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт тизимида ҳам босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш йўлида кенг қамровли ишлар амалиётга татбиқ этилди. Хусусан, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида кўпгина эътиборга молик тадбирлар ўтказилди.



Шундай экан, соғлиқни сақлаш тизимидаги фаолиятларда ҳамширалар меҳнати ҳам бундан мустасно эмас. Халқимизга самарали ва си-

фатли тиббий хизмат кўрсатишда Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларидаги 20361 нафар ҳамшира ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, тиббиёт муассасаларида ўз ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топаётган ва халқ олқишига сазовор бўлаётган қўли енгил ҳамшираларимиз ишини эътироф этсак арзийди. Шифокор беморга ташхис қўйиб даволаса, ҳамшира ҳам ўз ташхисига эга бўлиб, парвариш олиб боради ва бемор соғайишига ёрдам беради. Бирор-бир тиббиёт муассасасини қўли енгил оқ халатли нажоткор ҳамшираларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки шифокорлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган ҳамширалар аҳоли саломатлигини му-

ҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда асосий ўрин тутадилар.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб, Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг вилоят ҳамширалар кенгаши томонидан «Сен улугсан, ягонасан, мустақил Ватан» шиори остида «Ҳамшира – 2011» кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ушбу кўрик-танловнинг қўйи босқичларида 349 нафар тиббиёт ҳамшираси вилоят босқичи учун беллашди. Фолибликни қўлга киритган 14 нафар ҳамшира вилоят босқичида қатнашиб, танловнинг 5 босқичи бўйича ўзаро беллашди. Жорий йилнинг 3 июнь куни ҳамширалар амалий билимларини Республика шошилчин тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро вилоят филиалида синаб кўрдилар. Табиий ҳолда бажарилган жараёнлар ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб берилди. Қолган 4 босқич эса, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан барпо этилган «Кўхна ва боқий Бухоро» мажмуасида жойлашган Бухоро вилоят мусиқали драма театрида ўтказилди. Айниқса, танлов иштирокчилари чиқишларида мустақил диёримизнинг 20 йиллиги, ватанпарварлик, Ватанни улуғлаш, касбдан фخرланиш ҳамда бор билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Кўрик-танлов якунида ҳайъат аъзолари томонидан



энг зукко, чаққон ва билимдон ҳамширалар аниқланди. Учинчи ўрин 264 баллни қўлга киритган Когон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси Гавҳар Раҳматуллаевага, иккинчи ўрин 269 баллга эга бўлган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг неврология бўлим ҳамшираси Гулсун Раҳимовага, фахрли би-

ринчи ўрин эса 294 балл билан мутлақ голибликка даъвогар Бухоро шаҳар 9-сон поликлиникаси ҳамшираси Муяссар Қурбоновага насиб этиб, у жорий йилда Андижон шаҳрида ўтказиладиган «Ҳамшира – 2011» кўрик-танловининг Республика финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Барча иштирокчилар ва кўрик-танлов совриндорлари Ўзбекистон ҳамширалар Ассоциацияси Бухоро вилоят бўлими, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Бухоро вилоят бўлими томонидан қимматбахо совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Танлов голибасига республика финал босқичида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Маъмурахон САФОЕВА,
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг Ҳамширалик иши бош мутахассиси.

Қон – бу ҳаёт

МАҚСАДИМИЗ: БАДАЛСИЗ ДОНОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

– Ҳамид Якубович, бугунги кунда қон донорлиги ва унинг компонентларини ривожлантириш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кенг қатламини донорликка жалб қилиш борасида Миллий дастур ишлаб чиқилган эди. Бунга мувофиқ, мутахассис сифатида фуқароларнинг беғараз донорликка бўлган муносабатлари ва фаоллигини қандай баҳолайсиз?

– Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофазат қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда бир қанча ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, қон хизматида янги технологиялар кириб келиши, қон донорлиги хавфсизлигини таъминлаш борасида меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, мазкур хизмат ривожланиши учун барча зарур қонуний асослар яратилган. Жумладан, 2002 йилнинг

қариш органлари томонидан ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштиришни талаб этади. Ушбу соҳада амалга оширилган кенг қўламли ишлар билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, Қонуннинг 14-моддасида: «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги ваколатлари», 15-моддасида: «Қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги мажбуриятлари», 16-моддасида: «Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришдаги иштироки талаб даражасида эмас» ва бошқа моддаларда кўрсатилган талабларни бажариш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам бадалсиз донорликни ривожлантиришда бир қанча эътиборларни инобатга олиш муҳимлигини кўрсатади. Йилдан-йилга бадалсиз донорлар сони камайиб бормоқда. Уларнинг кўпчилигини беморнинг қариндошлари, яқинлари таш-

хизмати муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва қон хавфсизлигини таъминлаш миллий дастурини амалга ошириш учун 7,166 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилди.

Айни кунда Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти қон қуйиш станцияси тўлиқ қайта таъмирдан чиқди. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида Минтақавий қон марказлари ташкил этилди ва уларнинг барчаси жаҳон андозалари даражасида замонавий жиҳозланди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш чоғида олиб борилган саъй-ҳаракатлар боис, режадаги ишлар амалиётда тўла-тўқис ўз ифодасини топди.

Республика Қон хизмати тизимини ЖССТ ва Осиё тараққиёт банкининг экспертлари тавсиялари асосида босқичма-босқич ислох



Донорлардан олинган қон таркиби замонавий лабораторияда диагностикалар ёрдамида текширувдан ўтказилади.



Қон препаратларини совуқлик занжирига амал қилган ҳолда сақлаш учун махсус музлаткичлар муҳим аҳамиятга эга.

30 августда «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, миллий қонунчилигимизда гематология ва қон хизматида оид ҳуқуқий асосларни белгилаб берди.

Маълумки, бутун дунёда гематология соҳасига оид касалликларни даволаш, аҳолини беғараз донорликка жалб этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу масала нафақат тиббиёт ходимлари орасида, балки давлатимиз томонидан ҳам доимий эътиборга олинган беҳиз эмас. Хабаримиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳам юқоридаги масалаларга алоҳида урғу берилган.



қилиш ва марказлаштириш амалга оширилаяпти. Шу кунга қадар тизимда донорлар қонининг лаборатория текширувлари республика бўйича марказлаштирилди. Қон хизмати тизимини ислох қилиш босқичларидан яна бири сайёр гуруҳлар ёрдамида беғараз донорлардан қон олиш ишларини режалаштириш кўзда тутилган эди. Бунинг учун аҳоли ўртасида беғараз донорлик фаолиятини ривожлантириш, қон марказларини махсус транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан вилоятлар қон қуйиш станциялари учун автотранспорт воситалари сотиб олинди. Андижон, Наманган, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида бинолар ажратилди ва қурилиш-реконструкция ишлари тўлиқ бажарилди. Осиё тараққиёт банкининг «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» ва аҳолини хавфсиз қон билан



қил этмоқда, яъни донорлар бир маротаба қон топшириш билан чеklangмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2009-2011 йилларда ОИТС инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган» қарорида ҳам бадалсиз қон ва унинг компонентлари донорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Республика қон хизмати тизимини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Осиё тараққиёт банки экспертлари тавсиялари асосида босқичма-босқич ислох қилиш ва марказлаштириш амалга оширилмоқда. Қон хизмати тизимини ислох қилиш босқичларидан яна бири сайёр гуруҳлар ёрдамида беғараз донорлардан қон олиш ишларини режалаштириш кўзда тутилган. Бунинг учун аҳоли орасида беғараз қон ва унинг компонентлари донорлигини ривожлантириш, бу борада барча давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги жуда ҳам муҳим.

– Шунингдек, Осиё тараққиёт банкининг гранти доирасида ҳам республика миқёсида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш жоиз. Ушбу мақсадларга йўналтирилган фаолиятлардан олинган натижалар, хулосалар ва эришилган ютуқлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки билан тузилган шартномага асосан, мамлакатимиздаги қон



Донорлардан олинган қон стерилизация қилинган ҳолда махсус текширувлардан ўтказилади.

Замонавий асбоб-ускуналарнинг афзаллиги тезкорлик ва ишончлилини тўлиқ кафолатлайди.

Жумладан, тиббиёт муассасаларида қон, унинг компонентлари ва препаратларини тайёрлаш, сақлаш ва хавфсизлик ҳамда аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиш стандартларига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча тиббий муолажалар кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган буюм ҳамда асбоблар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда бир маротабалик тиббий буюм ва асбоблардан фойдаланишга ўтказиш, 2008-2010 йилларда Гематология ва қон қуйиш институти, қон қуйиш станцияларини, ОИТС марказларини замонавий лаборатория ва бошқа жиҳозлар билан бюджет маблағлари ҳамда халқаро ташкилотлар, молия институтлари грантларини жалб этиш ҳисобидан мукамал таъмирлаш бўйича кенг қўламли ишлар бошлаб юборилган. Шунингдек, «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгагининг қўшма қарорлари асосида «Қон инсонлар хизматида» акциялари доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Ундан ташқари, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ва бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда беғараз донорликни тарғиб қилиш бўйича махсус дастурий режалар белгилаб олинган.

Республикада бадалсиз донорликни ривожлантириш нафақат тиббиёт ходимлари иштирокини, балки давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири, ўзини-ўзи бош-

(Давоми. Боши 1-бетда).

таъминлаш лойиҳаси бўйича фаолиятлар жорий йилда ўз якунига етади.

– Ҳар йили мазкур сана олдида жамоатчиликни ягона мақсад сари бирлаштирувчи умуммиллий шиор қабул қилинади. Бу йил қандай шиор остида тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган?

– Дарҳақиқат, қон – бу ҳаёт. Унинг қийматини дунёда ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Қон ва унинг таркибий қисмлари бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилиши барчамизга равшан. Бу йилги байрам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан «Кўп қон – кўп ҳаёт» шиори остида ўтказилмоқда. Беғараз донорликни тарғиб қилувчи оммавий тадбирлар, ёшлар акциялари тобора кенг тус олмақда. Масалан, бу жараёнга таълим муассасалари билан бир қаторда, маҳаллада яшовчи фуқароларнинг кўпроқ жалб этилиши аҳоли тиббий саводхонлиги ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Жумладан, жорий йилнинг 10 июнь кунини Республика қон марказида Осиё тараққиёт банкининг «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси яқунларига бағишлаб тадбир бўлиб ўтади. Унда вилоят қон қуйиш станцияларига ДАМАС русумли автоматшоналар ва қон хизматида ихтисослашган микроавтобуслар топширилади. Шу кунларда институт ходимлари, қон маркази мутахассислари жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш билан бирга, беғараз донорлик сафини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Сухбатдош Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Кровь — это жизнь

СЕМЬ ШАГОВ К БЛАГОРОДНОМУ ПОСТУПКУ

Путь донора в Центре крови

ШАГ ПЕРВЫЙ

Путь донора в Центре крови начинается с регистрации. Здесь заполняются необходимые анкеты, в которых фиксируются персональные данные донора.

Для сдачи крови каждый донор должен прийти с паспортом.

ШАГ ВТОРОЙ

После регистрации донор заполняет медицинский вопросник, где отвечает на вопросы о своем здоровье: не состоит ли на учете у врача, не употребляет ли какие-либо лекарства, не болел ли раньше инфекционными заболеваниями и многое другое. На эти вопросы донор должен ответить правильно для того, чтобы обезопасить собственное здоровье и здоровье человека, получающего эту кровь. Любая личная информация, предоставленная донором, остается конфиденциальной и не будет использована для других целей.

ШАГ ТРЕТИЙ

Затем донор посещает лабораторию, где из одной капли крови, взятой из пальца, определяют уровень гемоглобина. Этот показатель нужен для того, чтобы не подвергать донора риску анемии.

ШАГ ЧЕТВЕРТЫЙ

Следующий шаг — прием у врача. Этот шаг решающий, так как именно сейчас врач принимает решение, может ли донор быть допущен к сдаче крови или нет. Это решение принимается на основе результатов анализа, полученных из лаборатории, ответов медицинского вопросника, заполненного донором, а также общего физического состояния донора на момент обследования, т.е. показателей А/Д, пульса, веса, температуры. Руководствуясь состоянием донора и потребностями больницы, врач назначает либо дачу цельной крови, либо ее компонентов.

ШАГ ПЯТЫЙ

После допуска к кроводаче крови донору предложат выпить горячего чая, чтобы восполнить предстоящую потерю жидкости.

Напоминаем, что во время всех медицинских манипуляций используются только **ОДНОРАЗОВЫЕ** инструменты, так что заразиться какими-либо заболеваниями невозможно.

ШАГ ШЕСТОЙ

Сама процедура сдачи крови очень проста.

Вам предложат удобно сесть в донорское кресло. Медицинская сестра после обработки кожи на внутренней поверхности локтевого сгиба введет в вену стерильную иглу, подсоединенную к мешку для сбора крови. Сдача крови обычно длится около 10 минут.

После донации (кроводачи) донору накладывается повязка, которую не рекомендуется снимать в течение 2-х часов. Также в течение дня донору следует избегать физических усилий.

ШАГ СЕДЬМОЙ

После донации донор остается в Центре крови 10-15 минут, получает легкое питание.

После этого донор может приступить к повседневной деятельности. По возможности в течение дня донору следует избегать физических усилий и рекомендуется принимать больше жидкости.

Вот так каждый из нас, потратив всего час своего времени и пройдя всего семь ступенек к донорскому креслу, может участвовать в деле спасения чьей-то жизни. Вы можете не знать людей, которым помогла Ваша кровь, но это и не важно. Главное, чтобы они были здоровы!

Следующий шаг за Вами!



ПАМЯТКА ДОНОРА

Почему люди должны сдавать кровь?

Безопасная кровь спасает жизнь. Донорскую кровь переливают роженицам во время родов, при осложнениях (преждевременные кровоизлияния или отслойка плаценты), детям с анемией, жертвам несчастных случаев, при хирургических операциях, больным с онкологическими заболеваниями и больным с заболеваниями системы крови (лейкоз, апластическая анемия и гемофилия).

На сегодняшний день существует постоянная потребность в донорской крови. Регулярная сдача крови здоровыми людьми гарантирует, что донорская кровь всегда будет доступна и безопасна. Кровь — самый драгоценный подарок, который может сделать каждый из нас для больных, нуждающихся в крови. Это самый благородный поступок — спасти жизнь. Сдав кровь, Вы можете спасти жизнь одного или даже нескольких больных и пострадавших!

Исследования многих стран мира по процентному соотношению групп крови показали, что население с I группой крови составляет 40%, II группа — 39%, III группа — 15% и IV группа составляет 6%.

Резус-фактор — основной поверхностный антиген эритроцитов, при определении которого можно определить резус-принадлежность человека по данному антигену.

